

**РЕСПУБЛИКА ЙИҒМА ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ МАРКАЗИ**  
**(РЙЭКМ)**

**Н И З О М И**

**(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги 1487-сон Қарорига мувофиқ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори томонидан 2014 йил 18 июнь куни тасдиқланган)**

**I. Умумий қоидалар**

1. Республика йиғма электрон каталог маркази (кейинги ўринларда РЙЭКМ деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги «2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги Қарорга мувофиқ ташкил этилган.

2. РЙЭКМ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишларига ва ушбу Низомга мувофиқ Ўзбекистон Миллий кутубхонаси негизида ўз фаолиятини олиб боради.

3. РЙЭКМ электрон каталоглаштиришга сарфланадиган молиявий ва меҳнат сарф-ҳаражатларини камайтириш ва ахборот қидирув тезлигини ошириш мақсадида йиғма электрон каталогни ташкил этиш ва ахборот айирбошлаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикасида ягона ахборот-кутубхона тизимини яратиш билан боғлиқ ҳамда илмий, таълимий ва бизнес ахборотларини тезкор қидириб топишда республика аҳолисига кўмаклашишга доир фаолият юритади.

5. РЙЭКМ ва ахборот-кутубхона муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, аъзолик тўғрисидаги битим ва/ёки хизматлар кўрсатиш учун тузилган икки томонлама шартномалар асосида олиб борилади.

6. РЙЭКМ ўз мулкига эга юридик шахс ҳисобланади, мустақил баланс, Ўзбекистон Республикаси банкларида миллий ва хорижий валюталарда ҳисоб-рақамлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрига эга бўлади.

РЙЭКМ ўз номидан шартномалар тузиши, мулкый ва шахсий номулкий хуқуқларга ва мажбуриятларига эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

7. РЙЭКМнинг жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси №1, “Маърифат маркази” биноси.

## **II. РЙЭКМнинг асосий вазифалари**

8. Қуйидагилар РЙЭКМнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Библиографик ёзувлар сифатини ошириш ва такрорларга йўл қўймаслик мақсадида келиб тушган адабиётларни каталоглаштириш ва библиографиялаштириш асосида корпоратив тизим яратиш орқали марказлашган йиғма электрон каталог яратиш ҳамда ахборот-кутубхона муассасалари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг йиғма электрон каталог базасини шакллантириш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси хизматлари ва бошқа ахборот-кутубхона муассасалари томонидан яратилган электрон библиографик ёзувларни таҳрир қилиш ва йиғиш;

ахборот алмашиш ва библиографик ёзувларни ўзлаштириш мақсадида ахборот-кутубхона муассасалари ўртасида фаол алоқалар ўрнатиш;

йиғма электрон каталог базасини сақлаш мақсадида унинг ҳимоясини, шу жумладан ёзувларни архивлаштиришни, рухсатсиз фойдаланиш ва вируслардан ҳимоялашни, таъминлаш;

библиографик тасвир ва библиографик ёзувларни халқаро MARC-формат асосида бир хиллаштириш (унификация) ҳамда миллий алмашишини таъминлаш учун UZMARC (машинада ўқиладиган формат) дан фойдаланиш;

фойдаланувчиларни йиғма электрон каталог маълумотлар базасидан онлай тарзда фойдаланишларини таъминлаш;

электрон библиографик ёзувлар алмашиш мақсадида хорижнинг етакчи Йиғма электрон каталог марказлари ва кутубхоналар билан музокаралар олиб бориш;

## **III. РЙЭКМнинг асосий функциялари**

9. РЙЭКМ ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Республика ахборот-кутубхона муассасалари ўртасида тезкор ахборот алмашиш бўйича ишларни ташкил этиш;

библиографик ёзувларни ўзлаштириш бўйича республиканинг ахборот-кутубхона муассасалари ўртасида дастурий-техник ҳамкорликни таъминлаш, олиб бориш;

йиғма электрон каталогдаги библиографик ёзувларни назорат қилиш, такрорларга йўл қўймаслик ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш;

РЙЭKM, республика ва хорижий мамлакатларнинг ахборот-кутубхона муассасалари ўртасида библиографик ёзувларни алмашиш юзасидан битимлар тузиш;

йиғма электрон каталогни ташкил қилиш, шакллантириш, библиографик ёзувларни ўзлаштириш масалалари бўйича республика ахборот-кутубхона муассасаларига маслаҳат бериш;

йиғма электрон каталог орқали ахборот-кутубхона муассасалари ўртасида алоқаларни таъминлаш ва уларга ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш бериш;

йиғма электрон каталог библиографик ёзувларни яратиш ва маслаҳатлар бериш;

ахборот-кутубхона ресурслари ҳамда инфратузилмалар яратиш ва ривожлантириш бўйича республика ва халқаро лойиҳаларда иштирок этиш.

#### **IV. РЙЭKMнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

10. Қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ахборот-кутубхона инфратузилмасини ривожлантириш бўйича республика ва халқаро лойиҳаларда иштирок этиш;

Ахборот-кутубхона муассасаларининг йиғма электрон каталог яратишда ўз улуши билан иштирок этадиган тўлиқ ҳуқуқли аъзо сифатида, ва ушбу ресурслардан фойдалана оладиган миждоз сифатида РЙЭKM ишида иштирок этиш даражасини олдиндан келишиб олиш;

иштирокчи кутубхоналарнинг РЙЭKMда иштирок этиш шартномасига риоя қилишини кузатиш;

РЙЭKM молиявий фаолиятини тартибга солиш;

йиғма электрон каталогдан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

РЙЭKMга янги аъзоларни жалб қилиш;

йиғма электрон каталогни каталоглаштириш ва шакллантириш соҳасида методик ечимларни ишлаб чиқиш;

мустақил равишда ёки Республика ва хорижий мамлакатлардаги бошқа ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорликда электрон ахборот ресурслари, шу жумладан тўлиқ матнли ва мультимедиали маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш;

ахборот ва консалтинг хизматларини кўрсатиш ҳамда ўқитиш бўйича кўшимча тижорат фаолиятини олиб бориш;

#### 11. Мажбуриятлари:

Йиғма электрон каталогнинг барча фойдаланувчилари учун ҳам маҳаллий тармоқда, ҳам онлайн фойдаланишда йиғма электрон каталог маълумотлар базасининг узлуксиз ишини таъминлаш;

йиғма электрон каталог базаларини сифатли ва ўз вақтида тўлдириб борилишини ва ундан ёзувларни ўзлаштириш имкониятини назорат қилиш;

йиғма электрон каталог маълумотлар базалари библиографик ёзувларининг сифатини таъминлаш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг электрон каталогини шакллантирувчи хизматлари билан узлуксиз ахборот ҳамкорлигини таъминлаш.

бир йилда камида бир марта РЙЭКМ ўз фаолияти, шу жумладан молиявий фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштирувчи Идоралараро кенгаш олдида ҳисобот беради.

### **V. РЙЭКМни бошқариш**

12. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори томонидан тайинланган РЙЭКМ директори унга раҳбарлик қилади;

#### 13. Директор:

РЙЭКМ фаолиятини ташкил этади;

РЙЭКМ фаолиятининг барча технологик масалаларини мустақил равишда ҳал қилади, ахборот айрибошлаш ва аъзолик бўйича ахборот-кутубхона муассасалари билан битим тузади;

молиявий маблағларини тақсимлаш, РЙЭКМга янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисидаги, шунингдек бирга кўриб чиқишни талаб қиладиган бошқа масалаларни ҳал қилиш бўйича Идоралараро кенгашга таклиф киритади.

режа-ҳисобот ҳужжатларини тузади;

РЙЭKM тузилмаси ва штат жадвалини тасдиқлайди.

ишончномасиз РЙЭKM номидан фаолият олиб боради, фуқаролар ва юридик шахслар олдида унинг манфаатларини ҳимоя қилади. Унга берилган ҳуқуқлар доирасида РЙЭKM мулкни тасарруф қилади, буйруқлар чиқаради;

кадрларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун жавоб беради;

РЙЭKMда инновацион ва ижодий фаолият олиб борилишини, янги технологияларнинг татбиқ қилинишини таъминлайди;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ РЙЭKM ходимларини рағбатлантириш чора тадбирларини кўради ва меҳнат интизомини назорат қилади;

РЙЭKMда асбоб-ускуналар, оргтехника ва бошқа моддий бойликлардан белгиланган мақсадда фойдаланиш ва уларни сақлашни таъминлайди.

Директор буйруқлари РЙЭKMнинг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

РЙЭKM ходимларнинг функционал мажбуриятлари РЙЭKM директори томонидан тасдиқланган лавозим йўриқномалари асосида белгиланади.

РЙЭKM штати 12 ходимдан иборат.

## **VI. РЙЭKM мол-мулки ва маблағлари**

14. РЙЭKM молиявий операциялари ўз банк ҳисоб-рақами орқали олиб борилади.

15. РЙЭKM алоҳида маблағлар ва мол-мулкка эга бўлади. Асосий фондлар, айланма маблағлар, шунингдек молиявий ресурслар ва барча молиялаштириш манбалари ҳисобига харид қилинган бошқа моддий бойликлар мол-мулкни ташкил қилади.

Мол-мулк қиймати унинг мустақил балансида акс этади.

РЙЭKMнинг молиялаштириш манбаи:

- Давлат бюджет маблағлари;
- Низомдаги вазифаларга мувофиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ва халқаро ташкилотлар ҳамда фондларнинг грантлари;
- аъзолик бадаллари ва тижорат фаолиятидан тушган даромадлар;
- Иш бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хўжалик фаолияти, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолиятдан тушган даромадлар;

- юридик ва жисмоний шахслардан тушган хайрия, беғараз ҳомийлик даромадлари;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан тақиқланмаган бошқа манбалар.

### **VII. Ҳисобот юритиш**

16. РЙЭКМ ўз фаолиятида ҳисоб-китоб ишларини юритган ҳолда статистик ҳисоботни олиб боради.

### **VIII. РЙЭКМ Низомига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш**

17. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори РЙЭКМ Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

### **IX. РЙЭКМни қайта ташкил қилиш ва тугатиш**

18. Қонунчиликда белгиланган тартибда РЙЭКМ қайта ташкил этилади (бирлаштирилади, қўшилади, бўлинади, ажратилади, қайта тузилади) ёки тугатилади.